

**“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти барча овоз берувчи
оддий акциялари Ягона акциядорининг
6-сонли қарори**

2024 йил “10” сентябрь

Тошкент шаҳри

“Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган овоз берувчи оддий акциялар 84 680 814 487 донани ташкил этади.

“Худудий электр тармоқлари” АЖнинг барча овоз берувчи акциялари Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли бўлиб, ушбу вазирлик Жамиятнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масала юзасидан қабул қилинди:

1. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг устав фондини камайтириш тўғрисида.

2. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисида.

3. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг 2020 йил 4 ноябрдаги Р0896/3-сон билан рўйхатга олинган акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига ўзгартиришлар киритиш ва киритилаётган ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-168-сон, 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-102-сон, 2023 йил 11 мартдаги ПҚ-91-сон ва 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ-162-сон қарорларига, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 266-сон қарори ва 2023 йил 15 августдаги 527-Ф-сон фармойиши асосида “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва унинг 5 та худудий филиаллари (аввал тизимдаги корхоналар) томонидан жами 21 та умумий қиймати 6 246 714 559,82 сўмлик активлар 2021–2024 йиллар мобайнида Жамият устав фондидаги давлат улушини камайтириш ҳисобига тегишли давлат ташкилотларига топширилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-168-сон, 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-102-сон ва 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ-162-сон қарорларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 266-сон қарорига биноан “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан баланс (қолдиқ) қиймати 366 821 200,0 сўмлик 3 та ва унинг Самарқанд худудий филиали (собик “Самарқанд ХЭТК” АЖ) томонидан баланс (қолдиқ) қиймати 169 916 433,08 сўмлик 3 та, Жиззах худудий филиали (собик “Жиззах ХЭТК” АЖ) томонидан баланс (қолдиқ) қиймати 4 056 965 234,25 сўмлик 4 та, Наманган худудий филиали (собик “Наманган ХЭТК” АЖ) томонидан баланс (қолдиқ) қиймати 75 946 867,76

сўмлик 1 та, Қашқадарё ҳудудий филиали (собик “Қашқадарё ҲЭТК”АЖ) томонидан баланс (қолдиқ) қиймати 26 242 590,22 сўмлик 4 та активлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий филиали (собик “Тошкент шаҳар ЭТК”АЖ) томонидан баланс (қолдиқ) қиймати 13 775 586,57 сўмлик 1 та актив Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш Агентлигига ва унинг тегишли ҳудудий бошқармаларига топширилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 мартдаги ПҚ-91-сон қарорига биноан Жамиятнинг Тошкент шаҳар ҳудудий филиали (собик “Тошкент шаҳар ЭТК” АЖ) томонидан баланс (қолдиқ) қиймати 268 790 374,11 сўмлик 2 та актив “Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари” АЖга, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 266-сон қарорига биноан Жамиятнинг Самарқанд ҳудудий филиали томонидан баланс (қолдиқ) қиймати 414 096 900,0 сўмлик 1 та актив Самарқанд шаҳри маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 15 августдаги 527-Ф-сонли фармойишига биноан, Жамиятнинг Тошкент шаҳри ҳудудий филиали томонидан баланс (қолдиқ) қиймати 854 159 373,83 сўмлик 1 та актив Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ҳузуридаги Замонавий санъат Марказига топширилган.

Ушбулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарорлари ижросини тўлақонли таъминлаш мақсадида ҳамда ушбу қарорлар асосида “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан жами 21 та активлар давлат ташкилотларига ва компанияларига топширилганлигини инобатга олиб, ушбу активларнинг умумий қолдиқ баланс қиймати суммасига “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ устав капиталидаги давлат улуши камайтирилиши зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ягона акциядори, **қарор қилади:**

1. “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ устав фонди миқдори 6 246 714 600,0 сўмга камайтирилсин.

2. “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг янги устав фонди миқдори 8 464 424 484 600,0 сўм (ҳар бирининг номинал қиймати 100,0 сўмдан бўлган 84 618 347 341 дона оддий ва 25 897 505 дона имтиёзли акцияларга бўлинган) этиб белгилансин.

3. Акцияларнинг бутлигини сақлаш мақсадида Давлат активларини бошқариш агентлигига ва тегишли давлат ташкилотлари ҳамда компанияларига топширилган мулклар ва устав фондининг камайтирилаётган қисми суммаси ўртасидаги 40 сўм 18 тийин миқдоридаги фарқ Жамиятнинг кейинги акциялар чиқарилишида давлат улушини шакллантиришда ҳисобга олинсин.

Қун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасига мувофиқ, Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги

ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини (устав капитални) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-168-сон, 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-102-сон, 2023 йил 11 мартдаги ПҚ-91-сон ва 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ-162-сон қарорларига, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 266-сон қарори ва 2023 йил 15 августдаги 527-Ф-сон фармойиши асосида “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан Давлат активларини бошқариш агентлигига ва тегишли давлат ташкилотлари ва компанияларига топширилган активлар эвазига “Худудий электр тармоқлари” АЖ устав фонди миқдори 6 246 714 600,0 сўмга камайтирилаётганлиги муносабати билан, Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан, “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ягона акциядори, **қарор қилади:**

1. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг янги таҳрирдаги Устави 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Худудий электр тармоқлари” АЖ Бошқаруви раиси У. М. Мустафоев Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тегишли давлат идораларида рўйхатдан ўтказилиши таъминлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:

“Худудий электр тармоқлари” АЖнинг устав фонди миқдори Давлат активларини бошқариш агентлигига топширилган активлар эвазига давлат улушини камайтириш ҳисобига Жамият томонидан чиқарилган оддий акциялар сонини қисқартириш йўли билан амалга оширилаётганлиги боис “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг амалдаги рўйхатдан ўтказилган акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорларидан бирига қўшимча чиқарилаётган акциялар сонини камайтириш бўйича ўзгартиришлар киритилиши зарур ҳисобланади.

“Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари” (Адлия вазирлигидан 2009 йил 30 августда 2000-сон билан рўйхатдан ўтказилган) талабларига мувофиқ “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг 2020 йил 4 ноябрда Р0896/3-сон (RU103P0896T7) билан рўйхатга олинган қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш таклиф этилади.

Кун тартибидаги **учинчи масала юзасидан** “Худудий электр тармоқлари” АЖ Ягона акциядори **қарор қилади:**

1. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг 2020 йил 4 ноябрда Р0896/3-сон билан рўйхатга олинган қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига ўзгартиришлар киритилсин ва киритилаётган ўзгартиришлар матни иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Худудий электр тармоқлари” АЖ Бошқарув раисига (У. Мустафоев), Жамиятнинг 2020 йил 4 ноябрда Р0896/3-сон билан рўйхатга олинган қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига киритилаётган ўзгартиришлар матнини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирининг
ўринбосари

 **Х. Мустафоев**